



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН • № 233 (19.904). • 1987 йил II октябрь, якшанба • Баҳоси 3 тишин.

КПСС XXVII съездининг ленинча
революцион йўлидан — тинчлик
ва қайта қуриш йўлидан совет
кишилариининг энг яхши
турмуши сари олға!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг ЧАҲИРИҢЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги!
2. Инсоният тарихида янги даврни бошлаб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!
3. Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши асрлар оша яшайверсин!
4. Ленин гвардияси ветеранларига, революция ва Гражданлар уруши қатнашчиларига шон-шарафлар!
5. Октябрь иши, Совет Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг хотираси барҳаётдир!
6. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, ҳалқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!
7. Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг синалган авангарди — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!
8. Коммунистлар! КПСС XXVII съездининг йўлини қатъият ва изчиллик билан бeлшeвeкчeсигa амалга оширингиз! XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини қайта қуришда янги-янги муваффақиятлар, реал натижалар билан кутиб олайлик!
9. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қайта қуриш, жамият турмушини янгилаш революцион ишини ижодий амалга оширингиз!
10. СССР меҳнаткашлари! Экономикани бошқаришни ислоҳ қилишда фаол қатнашингиз! Иқтисодий билимларни эгаллангиз, ҳўжалик юртишининг янги методларини, илгор тажрибаларини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришининг прогрессив формаларини, ҳўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблаг билан таъминлашни дадил жорий этингиз!
11. Советлар мамлакатининг меҳнатчилари! Ҳамма жойда ва барча соҳада актив ҳаётий позицияни эгаллангиз, Ватан куч-қурагини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлангиз! Социалистик мусобақани ривожлантирингиз!

Қайта қуриш жўшқинлиги—социализм ишига хизмат қилсин!
12. Агросаноат комплексининг ходимлари! Озиқ-овқат программасини бажариш учун қатъият билан курашингиз! Интенсив технологияларни, ҳўжалик ҳисобини ўзлаштирингиз, коллектив ва оилавий пудратни кенг ёйингиз, қишлоқнинг социал муаммоларини жадаллик билан ҳал этингиз!
13. Совет олимлари, конструкторлари, ихтирочилари! Куч-ғайратларни экономикани жадал ривожлантиришда, Ватан ишлаб чиқаришини жаҳондаги олий даражага олиб чиқишни таъминлайдиган туб илмий-техникавий проблемаларни ҳал этишга сарфлангиз!
14. Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари! Сиз иш жойингизда, меҳнат коллективингизда ва умуман жамиятда чинакам соҳиблар бўлингиз!
15. Советлар мамлакатининг граждaнлари! Социалистик ахлоқ ва юксак социал адолат принципларини қарор топтирингиз! Бюрократизм ва сансалорлик, текисчилик ва текинхўрликни қатъиян тугатингиз!
16. СССР граждaнлари! Мамлакатни бошқаришда фаол қатнашингиз, ошкоралик, танқид ва ўзини-ўзи танқидни ривожлантирингиз, социалистик демократиянинг ажралмас хусусиятлари бўлган талабчанлик ва масъулиятни оширингиз!
17. Халқ депутатлари! Комплекс иқтисодий ва социал ривожланишда, халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқаруви принципларини рўёбга чиқаришда Советларнинг ролини оширингиз! Меҳнаткашларни, бутун аҳолини уй-жой қурилиши программасини амалга оширишга, медицина хизматини яхшилашга оид ишларингиз, соғлом турмуш маданиятини қарор топтирингиз!
18. Совет касаба союзулари! Партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини рўёбга чиқаришда зўр

ғайрат билан қатнашингиз! Меҳнат ва жамоат интизомини мустаҳкамлангиз! Меҳнаткашлар манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилингиз, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилангиз!
19. Комсомоллар! Йигит ва қизлар! Улуғ Ленин меросини эгаллангиз! Юксак самара билан, ижодий, актив ишлашга ўрганингиз!
20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир кишининг юксак самарали меҳнати, умумий ишга қўшадиган реал ҳиссаси билан социалистик ватани ҳар томонлама тараққий этиришни жадаллаштирайлик, 1987 йил план топшириқларини муваффақиятли яқунлайлик!
Ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторларига шон-шарафлар!
21. Яшасин қайта қуришнинг актив қатнашчилари, ёш ўринбосарларнинг ғамхўр тарбиячилари — совет хотин-қизлари!
22. Олий ва ўрта мактаб ходимлари! Маорифни қайта қуришни изчил амалга оширингиз! Ўқитишнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлангиз, ўқувчилар ва студентларнинг мустаҳкам билим олиши учун курашингиз!
23. Ўртоқлар! Агроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилингиз! Табиат ресурсларидан авайлаб, оқилона фойдаланингиз!
24. Маданият, адабиёт ва санъат арбоблари! Революцион ўзгаришларга, қайта қуриш жўшқинлигига ҳамоҳанг асарлар яратингиз! Жамиятни маънавий бойитишга фаол қўмақлашингиз!
25. Совет Иттифоқи граждaнлари! Партия ва халқнинг революцион ўтмишини ўрганингиз! Ватан йиғинасининг шонли саҳифалари тўғрисидаги хотирани муқаддас сақлангиз!
26. Яшасин мустаҳкам қардошларча дўстлик

билан бирлашган СССР халқларининг буюк кўп миллатли иттифоқи!
27. Яшасин социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги!
28. Совет жангчилари! Жанговар тайёргарлик ва маҳоратни тинмай такомиллаштирингиз, ҳарбий интизомни мустаҳкамлангиз! Совет халқининг бунёдкорлик меҳнатини, социализм ғалабаларини сергаклик билан қўриқлангиз!
Улуғ Ватан уруши ветеранларига ва интернационалист-жангчиларга шон-шарафлар!
29. Яшасин Улуғ Октябрга Ватани — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!
30. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!
Қардош мамлакатлар ҳамкорлиги чуқурлашиб, социалистик ҳамдўстлик мустаҳкамланаверсин!
31. Коммунистик ва ишчи партияларга қизгин салом!
Барча мамлакатларнинг пролетарлари, бирлашингиз!
32. Империалистик эксплуатацияга, жабр-зулмга, янги мустамлакачиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашчиларга алангали салом!
33. Жаҳон халқлари! Ядровий хавф-хатарга қарши, қуролланиш пойғасини тўхтатиш учун, агрессия ва милитаризм кучларини жиловлаш учун, ялпи тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашга қўшилингиз!
34. Яшасин Советлар мамлакатининг ташқи сиёсати — ядросиз дунё, халқаро ҳамкорлик ва социал тараққийот сиёсати!
35. КПСС XXVII съездининг ленинча революцион йўлидан — тинчлик ва қайта қуриш йўлидан совет кишиларининг энг яхши турмуши сари олға!
36. Яшасин Маркс — Энгельс — Лениннинг буюк революцион таълимоти!

М. С. ГОРБАЧЕВ ЭРКИН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ХАЛҚАРО КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

9 октябрь куни М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетда юрта мамлакатдан тахминан 83 миллион киши биллаштирувчи шу халқаро касаба союз ташкилотининг раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Эркин Касаба Союзлари Халқаро Конфедерациясининг раиси П. П. Нараян (Малайзия), конфедерация бош секретари Д. Вандервекен (Бельгия), раис муовинлари Э. Брайт (ГФР), Гопешвар (Хиндистон), Ш. Карра (Канада), С. Малм (Швеция), Ф. Марини (Италия), Н. Уиллис (Буюк Британия), Т. Усами (Япония), конфедерацияга кирувчи Америка мамлакатларидан ва Африка регион ташкилотларининг секретарлари Л. Андерсон (Панама) ва А. Грей (Либерия) қатнашдилар. Шу арбобларга ҳамроҳ бўлиб келган кишилар ҳам ҳозир бўдилар.
М. С. Горбачев энг йирик касаба союзларининг раҳбарлари билан саломлашиб, бу учрашув ўтказилганлигининг ўзи ноёб аҳамиятга эга эканини, аэро, аввалги вақтларда Эркин Касаба Союзлари Халқаро Конфедерацияси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар унчалик яхши тарзда бўлмаганлигини ўқитиб ўтди.
Демак, шу жихатдан олганда ҳам дунё ўзгара бошлади. Мана шундай делегациянинг бу ерда ҳозир бўлиши, — эндиликда жамоатчилик, унинг ташкилотлари ва ўз-ўзидан равшанки, касаба союзлари каби энг йирик оммавий ташкилотнинг кенг қўламадаги иштироки-сиз тинчлик муаммолари билан шуғулланиш қийин, ҳатто имконсиз эканлигининг белгисидир. Касаба союзлари дунёдаги вазиятни соғломлаштириш йўлларини излашга қўшилганлиги жуда соз.
Эркин Касаба Союзлари Халқаро Конфедерациясининг қуролсизлаш масалаларида оид расмий баёнотлари билан танишиб чиқам, мен шу ҳужжатларда баён қилинган асосий йўллар остига имзо чекишга тайёрман, деган ҳулосага келдим, деди М. С. Горбачев. Бу эса қувончлиқдир. Энди биз ҳам, сиз ҳам тўққизлаштираётган масалалар ҳақида рўй-рост, тўғридан-тўғри гаплашиш имконияти бор-



Суратда: учрашув пайти.

лиги ҳам қувончлиқдир. Аслида М. С. Горбачевнинг суҳбатдошлари касаба союзларига оид муаммолар ҳақида гаплашишни кўзда тутмаган эдилар. Шу сабабли у кириш сўзида турли мамлакатлардаги касаба союзларининг иши нақадар ўзига хос бўлмасин, ҳамма жойдаги касаба союзларга тааллуқли бўлган бир масала борлигини: улар меҳнаткашларни ҳимоя қилишлари кераклигини ўқитиш билангина чекланди. Бинобарин, касаба союзлари ҳамма ишлар билан шуғулланишлари керак. Бу гап социалистик мамлакатдаги касаба союзларига ҳам тааллуқлидир. У — меҳнаткашлар мамлакатининг тузумидир. Шундай бўлса-да, биз кейинги вақтларда оммавий ташкилотларнинг, касаба союзларининг фикридан, уларнинг имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланилмаганини, бу эса жамиятдаги вазиятга таъсир қилганини эътиборсиз қолдирмадик.
Касаба союзларининг иқтисодий-сиёсий турмушдаги иштирокларини ники жиҳати бор. Бу жиҳатларнинг бири — сиёсат масалаларини ишлаб чиқиш пайтида уларнинг мулоқазалари ва манфаатларини рўёбга чиқариш бўлса, иккинчиси сиёсатни амалга ошириш устида назорат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришдир. Буларнинг иккаласи ҳам — амалий жиҳатлардир. Касаба союзлари томонидан қилинадиган танқид ҳам буларнинг ёнига қўшилса, мамлакат раҳбарлари билан, барча поғоналардаги давлат ва маъмурият органларининг фаолияти билан ўзаро алоқанинг бутун бир комплекс ҳосил бўлади.
Турли мамлакатларнинг шароитларида фан-техника революциясининг социал оқибатлари қай тарзда ўзгаришидаги ҳамма тафовутларга қарамай, бизнинг дариш-мизда касаба союзлари вамен шу ҳужжатларда баён қилинган асосий йўллар остига имзо чекишга тайёрман, деган ҳулосага келдим, деди М. С. Горбачев. Бу эса қувончлиқдир. Энди биз ҳам, сиз ҳам тўққизлаштираётган масалалар ҳақида рўй-рост, тўғридан-тўғри гаплашиш имконияти бор-



ТАСС фотохроникаси.

қулар ёрдамида хавфсизликни сақлаш ва давом эттириш имкониятини эътибор қилиш; битимлар устида назорат қилиш учун ошкоралик ва рўй-ростлик жуда муҳимлиги; қуролсизланиш жараёнининг ишончли ошириш билан боғлиқлиги ва ишончли вужудга келтириш учун қуролсизланиш йўлида амалий қадамлар қўйиш муҳимлиги каби масалаларга тааллуқлидир.
Хельсинки жараёнининг аҳамиятини баҳолашда, жумладан, халқаро муносабатларнинг нормаллаштириш учун сиёсатининг ўртасидаги асос, шу билан бирга оддий кишилар ва уларнинг ташкилотлари ўртасида ҳам алоқалар бўлиши жуда муҳимлиги ва бу тинчликни сақлашнинг нафолатларидан бири эканлиги тўғрисидаги фикрда ҳам қарашларнинг муштараклиги намоён бўлди. Барча халқларнинг тараққиётга, меҳнат қила оладиган барча кишиларнинг меҳнат қилишга, оқилни ва бошқа социал қўлабларини баргараф этишга, барча гуманитар масалаларни одилона ҳал этишга бўлган ҳуқуқини таъ олинди ҳам иштирофлар бўлмади. Хуллас, суҳбатдошлар ялпи хавфсизлик оммавий қирғин

қурулини тугатишдан тортиб инсон ҳуқуқларини ва унинг эркинликларини таъминлашга бўлган ҳамма масалаларни ўз ичига олган система бўлишни тақозо этади, деган фикрга келдилар.
Суҳбат қатнашчиларидан бирининг ҳар қандай урушлардан меҳнаткашлар энг кўп азоб тортганидир, деган фикрни эслатганили жуда ўринли бўлди. Жанг майдонларида ишчилар билан деҳқонлар ҳалок бўладилар, урушдан кейин эса вайрон бўлган ҳамма нарсани қайта тиклаш яна ишчи ва деҳқонлар зиммасига тушади.
Э. Брайтнинг Ғарбий Германия касаба союзлари бундан бўён ҳеч қачон немислар дийрдадан уруш бошлангачлиги учун ҳамма ишни қиладилар, деган баёноти эътиборни ўзига тортди.
Нотиқлар ўртача олинсан ракеталари ва оператив-тактик ракеталар орасида битим тузиш хусусида СССР билан АҚШ ўртасида эришилган аҳдономани маъқуллашнинг бошқа масалалари, анаво, италий вакилининг ибораси билан айтганда, «енг катта де» бўлган стратегик ҳужум ядровий воситаларини қисқартириш масаласини ҳал этиш йў-

Ўтди, айниса, капиталистик система доирасида иш қўраётган ҳозирги суҳбатдошларини вазиятни жуда жиддий баҳолашга қақирди. Улар: бу система экономикани ҳарбийлаштирмай туриб ва «учинчи дунё» билан нотенг айрибошламай туриб, яъни унинг инсон ва материал ресурсларини эксплуатация қилмай туриб, ўз аҳолисининг турмуш даражасини таъминлай оладими? деган муаммо устида ўйлаб-қурсалар яхши бўлур эди. Бу масаладан юз ўтириб бўлмайди, чунки ҳозирги вазиятда бойлар тобора бойиб, камбағаллар эса яна ҳам камбағаллашиб бормоқда. Бу жараёнда ҳам шундай бир чегара борки, қуролланиш таъминлай оладими? деган муаммо устида бўлгани каби, бу чегарадан ўтиш ҳам жуда хатарлидир.
Биз дунёда вужудга келган ҳўжалик алоқаларини бузиш тарафдорини эмасми. Аммо биз бу алоқаларни одилона асосда такомиллаштириш тарафдоримиз. Дарвоқе, регионал можазролар моҳиятини тушуниш, жанжалларнинг манбаларини тугатиш негизи ҳам мана шундан иборат.
(Давоми кийинчи бетда).

Бугун—Қишлоқ хўжалик ходимлари кун

Агросаноат комплексининг ходимлари! Озиқ-овқат программасини бажариш учун қатъият билан курашингиз! Интенсив технологияларни, хўжалик ҳисобини ўзлаштирингиз, коллектив ва оилавий пудратни кенг ёйингиз, қишлоқнинг социал муаммоларини жадаллик билан ҳал этингиз!

(КПСС Марказий Комитети қаҳриқларидан).



ҲОСИЛ-87

- ЕРУҒ КУНЛАРИНИНГ ҲАРСОАТИ, ҲАР ДАҚИҚАСИ ИККИ ХИССА ҚИММАТЛИДИР.
- БИЛАГИДА КУЧИ, БЕЛИДА ҚУВВАТИ БУЛГАН ҲАР БИР КИШИ БУГУНГИ КУНДА ДАЛАГАЧИҚМОҒИ ЗАРУР. ҚИШЛОҚЛАРДА ЯШОВЧИ КАТТА ЕШДАГИ АҲОЛИНИНГ ҲАММАСИ ТЕРИМДА КАТНАШАДИГАН БУЛСА, ПАХТА ТАЙЕРЛАШ СУРЪАТИНИ БИР ЯРИМ БАРОБАРОШИРИШ МУМКИН.
- ОБ-ҲАВОНИНГ ЎЗГАРИШ ТУРИШИ ҲАР БИР РАҲБАРНИ, ҲАР БИР МЕХНАТКАШИНИ ХУШЕР ТОРТИРИШИ, БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚУЙМАСЛИККА ДАЪВАТ ЭТИШИ КЕРАК.

Матбуот
маркази
хабар
қилади

хаво шаронтиларига олдин таъйинланган кўриб қўйди. Барча ишчи агрегатлари ва узеллар, шунингдек, ҳамма қўришти-тозалаш цехларининг бинolari ўз вақтида сифатли тайёрлаб қўйилди. Сурункасига ёнгичлик бўлаётган шу кунларда қўришти-тозалаш цехлари тўла қувват билан ишламоқда. Улар ҳар кеча-кундузда юқори намликдаги 3 минг тоннага яқин хом ашёни қайта ишламоқда.

Чортоқ районидagi «Чортоқ» совхозининг сабазот ва мева етиштиришга ихтисослаштирилган Холматжон Юсупов бошлиқ бригадаси бобон ва соҳибкорлари мева ва сабазот тайёрлаш планларини бажардилар. Бот ва тоқорлар орасига экилган гўзадан 51 тонна «оқ олтин» ҳам териб топширишди.

Бу йил Учқўрғон пахта тозалаш заводи ишчилари янги ҳосилнинг 50240 тоннасини қайта ишлашни пандаштиришган. Ҳозиргача 13876 тонна пахта қабул қилиб олинди. 2750 тонна тола ва 277 тонна лент тайёрланди. Учқўрғонликлар маҳсулотининг дастлабки туркумини Япония, Польша, Вьетнам, Югославия ва Кубага жўнатдилар.

Андижон области Ленин районидagi «Правда Востока» колхозидa уруғлик пахта тайёрлаш плани ошириб адо этилди. Хўжаликда 3498 тонна ўрнига 3692 тонна уруғлик пахта тайёрланди. Бу муваффақиятга А. Ҳайитов, Т. Ботиров, Д. Қодировалар бошлиқ бригадаларнинг заршунослари; баракали ҳисса қўшдилар.

Хоразм области Гурлан районидagi «Коммунизм» колхозининг Ҳабибулла Саъдуллаев бошлиқ бригадаси пахтакорлари меҳнат муваффақиятини кўлга киритдилар. 42 гектар ердан 140 тонна «оқ олтин» териб олинди. Шунинг 110 тоннасини биринчи суртга қабул қилишди. Заршунослар бул 7 тонна пахта тайёрлаш учун йилгитеримини қизгин давом эттиришаётир.

Хонқа районидagi «Победа» колхозининг Исмонил Рўзमतов бошлиқ бригадаси ҳам зафар маррасини етказди. Миришкорлар қабул пунктларига 289 тонна юқори сифатли хом ашё топширдилар.

Янгиарк районидagi Киров номи колхоз механизатори Бойназар Собиров ҳозирга қадар 82 тонна «оқ олтин» теришга эришди. Моҳир меҳнатчи-ҳайдовчи бўлиб ўтган унинг ҳар бири ўртача 41 килограммдан пахта терди. «Коммунизм» колхозидa мўлжалдаги 400 киши ўрнига 243 киши дала чинди. Ҳар бир теримчининг кундалик иш унуми 21 килограммни ташкил этди. Райондаги қўлаб ташкилотлар йилгитеримда иштираётган лойқадлик билан қарамоқдалар. Масалан, район кооператорларидан 100 киши теримда иштирок этиши керак бўлгани ҳолда пахтазорда атиги 30 киши ишлади. Автобус-таксомотор парк ва савдо ташкилотлари ҳам йилгитеримда фаол иштирок этаётганлар.

Сурхондарё области Октябрь ойининг биринчи ўн кунлиги тугаганига қарамай, Сирдарё районидa суръат пастлигига қолмоқда. Далада ишлаётган теримчиларнинг унумлириги кўндалмайдиган эмас. Ўзган кун уларнинг ҳар бири ўртача 41 килограммдан пахта терди. «Коммунизм» колхозидa мўлжалдаги 400 киши ўрнига 243 киши дала чинди. Ҳар бир теримчининг кундалик иш унуми 21 килограммни ташкил этди. Райондаги қўлаб ташкилотлар йилгитеримда иштираётган лойқадлик билан қарамоқдалар. Масалан, район кооператорларидан 100 киши теримда иштирок этиши керак бўлгани ҳолда пахтазорда атиги 30 киши ишлади. Автобус-таксомотор парк ва савдо ташкилотлари ҳам йилгитеримда фаол иштирок этаётганлар.

Сурхондарё области Ўзган кун области дала-ларидa илган 3039 «зангори кема» ёрдамида 13907

тонна «оқ олтин» терилди. Ҳар бир агрегатнинг иш унуми ўртача 4,5 тонна бўлди. Шўрчи райони пахтакорлари ипак пахта тайёрлаш планини бажардилар. Қабул пунктларига 21550 тонна қимматбаҳо хом ашё жўнатилди.

НАВОИЙ ОБЛАСТИ

Навбахор райони пахтакорлари пешқадамликни кўлдан беришмапти. Тайёрлов пунктларига ҳозиргача салкам 12 минг тонна хом ашё келиб тушди. Бу йиллик планининг 28,29 процентини ташкил қилади. Ноқулай об-ҳаво шаронти пахта топшириш жараёнига ҳалақат беролмади. Машиналар тўхтаганда кўл терими усталари фидокорлик кўрсатишди. Масалан, Навоий районидagi «Ленин йўли» колхозидан Ҳамид Умарова, Қизилтепа районидagi «Москва» колхозидан Ҳикоят Аҳмедова ва бошқа юзлаб теримчилар ҳақида шундай дейиш мумкин. Улар бир кунда 200 килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта теришга муваффақ бўлаётдилар. Бу теримчиларнинг ҳар бири мавсум бошидан бери уйғон хирмонлари 3—3,5 тоннадан ошиб кетди.

Пахтачилик бригадалари ўртасидagi мусобақада Хатирчи районидagi «Москва» колхозининг Ҳолиқ Искандаров етакчилик қилаётган коллективи биринчи ўринда борапти. Мазкур бригадaда бир кунда йиллик топшириқнинг 10 проценти миқдорда пахта топширилди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Область комсомол отряди аъзолари Пискент райони даладаридa яхши меҳнат қилдилар. Бу отряд составида пойтахт области бир қатор шахарлари ва қишлоқ районлари ёшлари нинг энг яхши вакиллари бор. Ушбу коллектив теримчилари бир кунда хирмонга 11 тонна хом ашё тўқидилар. Уларнинг мавсум бошидан бери терган пахталари 115,5 тоннага етди.

Бўна районидagi «Партия XIX съезди» колхози дала шийпонларидa Ўзбекистон ССР калк ёзувчиси Туроб Тўба ва республикаимиз меҳмони, болгариялик адиб Червенко Хрумов билан учрашув бўлиб ўтди. Меҳмонлар пахтакорларини ўз асарлари билан таништирдилар, икуний режаларини гапириб бердилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Элликқалъа районидagi Ленин номи колхоз уруғлик пахта тайёрлаш йиллик планини адо этди. Хўжалик меҳнатчилари қабул пунктларига 1300 тонна юқори сифатли пахта етказиб бердилар. Улар яна 200 тонна хом ашё тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Элликқалъа районидagi Оржоникидзе номи совхозда уруш ва меҳнат ветеранлари 2 та бригада тўқидилар. Оқоқолларнинг ҳар бири кунига 35—40 килограммдан «оқ олтин» теришга муваффақ бўлмоқда.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Сурхондарё области Кузғи ёнгиччилар Ангор район хўжаликлари, тайёрлов пунктлари, пахта тозалаш заводлари раҳбарларига ҳеч қандай сабоқ бермаётганга ўхшайди. Ўшларнинг, пахтакорлар юбилей йилда 34200 тонна пахта етиштиришга сўз берганлар. Бу юксак маъмурий бўлиб, унинг бажариш учун барча ресурсларни сафарбар этиш талаб қилинади.


Аммо ангорликларнинг сўз билан иш бир-бирига тўғри келмапти. Масалан, 9 октябрь кунинг йилгитеримда тўққиз минг нафар теримчи қатнашини керак эди. Амалда эса саниқ мингдан сал кўпроки киши далага чинди, холос. Улар ҳам, очини ҳам айтиш керак, баракали меҳнат қилишмади. Уларнинг ҳар бири ўртача 39 килограммдан терди.

Машина теримини аҳоли бунд ҳам бағар, 149 та пахта териш агрегатидан яқини ишлади. Мана шунинг оқибатида район хўжаликларида йиллик планининг яқин процентдан кам миқдорда пахта терилди.

● 9 октябрь кун республикада 33735 тонна пахта терилди. Мавсум бошидан бери тайёрлов пунктларига топширилган «оқ олтин» хирмони 1 миллион 739385 тоннага етди.

● Республикада машиналар ёрдамида шу кунгача 617277 тонна хом ашё териб олинди. Бу йиллик топшириқнинг 19,29 процентини ташкил этади.

● Шу маънада куз кунларидa Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Сурхондарё ва Хоразм областлари пахтакорлари фидокорона меҳнат намунасини кўрсатиб ишламоқдалар.



ЮКСАК МАРРА САРИ

Жиззах области Пахтакор районидagi «Хурмат Белгиси» ордени «Самарқанд» совхоз пахтакорлари бу йилги кийин об-ҳаво шаронтида ҳам мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Пахтакорлар ана шу ҳосилни ўз вақтида несобуд қилимай йилгитериб олиш учун мусобақани қизғин тус олдирдилар. Меҳнат беллашувида хўжалик

нинг 1-бўлимидаги 4-йирк-лаштирилган бригадаси аъзолари олдинда боришпти. Коллективга коммунист Анороб Эшматов бошчилик қилмоқда. Бригада коллективини ихтиёридаги 193 гектар майдонда етиштирилган ҳосил ундан хирмондан дарак беришти. Шунинг учун ҳам бригада заршунослари 35 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишмоқда. Терим агрегатлари шу кунлар

да айниқса тинимсиз ишла-тиляпти. Бу борада меҳнатчи-ҳайдовчи Исмониддин Каримов ҳар жихатдан ўр-нак кўрсатиб, кундалик топшириқни 1,5—2 ҳиссадан бажаришга эришмоқда.

Суратларда: бригада бош-лиги Анороб Эшматов ва илгор меҳнатчи-ҳайдовчи Исмониддин Каримов ҳамда терим пайти акс эттирилган. У. Қўшвоқов фотолари.

Армуғон

Ўтган йили бригадамиз аъзолари 55 гектар майдондан давлатга 220 тонна «оқ олтин» сотиб, планини 126 процент қилиб адо этишган эди. Бу йил эса янги майдонларимиз кенгайди — 261 гектар майдонда деҳқончилик қилишди. Ўзга парварини даврида барча агротехник тадбирларнинг сифатли ўтказилишига эришдик. Шунга яраша ҳосил ҳам чакки эмас. Ҳар гектар ердан камида 30 центнердан пахта йилгитириб олиш имконияти миз бор. Теримга пухта тайёрландик.

Мақсадлидиз ҳосилнинг 85 процентини машиналарда териб олишдир.

Тўғри, пахта бироз кеч пинди. Шунинг илоҳида олиб йилгитеримни қисқа муддатларда, нобудгарчиликсиз ўтказиш тадбирларини белгиладик. Яқинда бўлиб ўтган бригада йилгитишда Б. Уте-нов, Д. Тўзёлов, А. Қўли-боев, С. Налибеков каби меҳнаткорлар мавсумда 130-160 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олишди.

Коллективимиз аъзолари-нинг кайфияти яхши. Йилгитеримни жуда қисқа муддатда ўтказишга ҳара-кат қилишяпти. Биз шу-ларни ҳисобга олиб, йиллик планини 29 октябргача бажариб, Ленин комсомоли тугил-

ган кунига тўғна тайёрлаш ташаббуси билан чиндик. ВЛКСМ XX съезди делегати М. Подмонова етакчилик қилаётган терим-транспорт отрядини социалистик мусобақага қаҳирдин. Ташаббусимиз области комсомол коми-тети бюроси томонидан маъ-қулланди.

Кўзлаган марраимизни сўз-сиз эгаллаш учун барча им-кониятларга эгаимиз. Бор ма-жоратимизни ишга солиб, мавсумни уюшқонлик билан ўтказамиз ва 800 тонналик хирмонни албатта бунёд этаимиз. Бу Улуг Октябр-нинг 70 йиллик юбилейига армуғонимиз бўлади.

М. ОМАРОВ,

Мирзачўл районидagi Се-гизбоев номи совхоз ком-сомол ёшлар бригадаси бо-шлиги.

ЎЗАРО МУСОБАҚАЛАШИ

Янгиёул районидagi «Партия XX съезди» колхозидa пахта йилгитеримни кун сайин авж олмақда. И. Да-даилонова, Н. Муродова, М. Қўлонова, Н. Султонова ка-би ўзлаб чеварлар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, ҳар кун хирмонга 100—130 ки-лограммдан «оқ олтин» тўк-моқдалар.

Т. ЮСУПОВ, Тошкент области.

ОБ-ҲАВО

Ўзбекистон ССР Гидромете-орология марказининг хабар қилишича, яқин кунларда Ўз-бекистонда ҳаво ўзгариб тура-ди. Ёнгичгарчилик бўлмайди, факат кечаси Тошкент обла-стининг тоғли районларида ва Фарғона водисидa ёнгичгар-чилик бўлади. Айрим жойларда эртаб туман тушади. Шимо-ли-гарбдан сеқундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0—2 даража иссиқ, айрим жойларда 3 даражача

совуқ бўлади. Сурхондарё об-ластидa кечаси 1—6, кундуз 9—14 даража иссиқ бўлади. Тошкентда ҳаво ўзгариб ту-ради, ёнгичгарчилик бўлмайди, эртаб бир оз туман тушади, шимоли-гарбдан сеқундига 1—5 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0—2 даража иссиқ, ай-рим жойларда 1 даража со-вуқ, кундуз 12—14 даража иссиқ бўлади.

[9 ТАГА]

ХУРМАТ ШОҲСУПАСИ

9 ОКТАБРДА ЭНГ ЮҚОРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ҚУ-ЛАНДИГАНЛАР ЭРИШДИ:

● Навоий области Хатирчи райони-даги Акмал Икромов номи совхоз. Хўжалик меҳнатчилари шу кунинг йи-ли-лик планининг 5,1 проценти миқдоридa пахта топширдилар.

● Бухоро области Олот районидagi Ленин номи колхозининг Б. Жабборов

бошлиқ бригадаси хирмонга йиллик топшириқнинг 26 проценти миқдо-рида хом ашё топширди.

● Қоракўл районидagi «Москва» колхозининг механизатори Мухиддин Бешимов бир кунда 17 тонна «оқ ол-тин» терди.

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши

тўғрисида шу йил 10 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи усту—областлар; иккинчи усту—бир кунда тайёрланган пахта; учинчи усту—мавсум бошидан буён; тўртинчи усту—бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи усту—мавсум бошидан буён

Хоразм	1,87	55,90	1,24	22,42
Сурхондарё	1,07	41,36	1,63	41,17
ҚАССР	2,26	40,24	2,35	33,54
Бухоро	1,44	39,58	1,40	29,12
Фарғона	0,04	30,46	0,01	8,87
Қашқадарё	0,19	29,02	0,08	22,93
Андижон	0,13	24,16	0,01	4,39
Тошкент	0,13	23,18	0,09	14,10
Наманган	0,23	22,79	0,10	7,11
Жиззах	0,12	21,93	0,10	17,65
Сирдарё	0,10	21,36	0,06	22,60
Самарқанд	0,09	20,73	0,06	12,90
Навоий	0,29	20,00	0,13	10,33

Республика бўйича:

0,59 30,41 0,54 19,29

Шу жумладан ингичка толали пахта

Навоий	2,20	49,85	1,10	7,86
Сурхондарё	1,55	48,65	2,84	53,70
Наманган	0,10	32,60	—	—
Қашқадарё	0,15	23,41	0,08	21,09
Бухоро	0,51	12,01	—	—

Республика бўйича:

1,09 39,24 1,86 40,61

Матбуот маркази учун суҳбат

ҲАР БИР СОАТ
ҒАНИМАТ

Бу йил Тошкент обла-сти меҳнаткашлари учун оғир келди. Баҳорги сел ёмғирлари Охангарон, Бўстонлиқ, Пискент, Бек-обод ва Ғазиба районла-рининг кўпгина хўжалик-ларига анчагина зян ет-казди. Лекин шунга қа-рамай, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Мана яна бир имтиҳон —кузнинг сергек кунлари бошлан-ди.

Тошкент области меҳ-наткашлари мураккаб об-ҳаво шаронтиларидa терим мавсумини қандай ўтқа-заётганликлари тўғриси-да ЎЗАГА муҳбири Т. До-ғи қасаба союзлари Тош-кент области Советининг рaнси А. В. Бравлов билан суҳбатлашди.

Бу йилги терим мавсу-минда муваффақиятга эриши-да социалистик мусобақага алоҳида аҳамият берил-ди. Ташкилотчилик иш-ларининг асосий маркази бевоси-та хўжаликларга қўйрил-ган. Ғолибларга Совет Итти-фоқи шахарлари бўйлаб 300 та имтиёзли туристинг сафар қилиш учун 35 та йўллама берилди.

Йил якунларига кўра, меҳнатда энг юқори кўрсат-кичларга эришган ишлаб-чиқариш илгорларини раг-балантириш мақсадидa Тошкент области партия коми-тетини, области икюнжа коми-тетини ва области қасаба союзлари Совети Тошкент областининг «Оқ олтин» му-нофиоти дaураяти унвонини тaъсис этилди.

Чиноз, Янгиёул ва Бек-обод районларида социали-стик мусобақани ташкил этишда бой тажриба орти-рилди. «Ўзбекистон ССР 5 йилгига» совхозидa мусо-бақа яхши ташкил этилган. Хўжаликда кўча дала ший-понин ишлаб турибди. Бу ер-да совхознинг ҳар бир бўли-ми тўғрисида, мусобақадosh дўстлар қандай кўрсаткич-ларга эришганлиги кимлар олдинда бораётганлиги ва кимлар орқада қолаётганли-ги ҳақида тўла ахборот олиш мумкин.

Пахтакор районларда ин-тизомни мустаҳкамлашга оид ишлар қучайтириб юборил-ган, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг теримга жалб этилиши устидан контрол қучайтирилган. Чунончи, Ўрта Чирчиқ районидa ҳар бир бригадaда кўрсаткичлар тахтаси ташкил этилиб, унда ким қанча пахта терганлиги-гина эмас, шу билан бирга прогнотлар ҳам ҳисобга оли-нади.

га хизмат кўрсатишни сези-ларли даражада яхшилади-лар. Хўжаликларда автодў-конлар қатнаб юрибди, со-тувчисиз ўзлаб магазинлар ташкил этилган.

Пахтакорларга хизмат кўрсатиш учун қўшимча ра-вишда 976 нафар медицина ходими жалб этилди. Дала шийпонларида 473 та меди-цина пункти очилган. Об-ласть касалхонасининг ший-шлич ва консултация ёрдами бўлими ҳузурида юқори малакали мутахассис-лардан иборат консултация группалари тўзилган ва кўча амбулаториялар иш-лаб турибди.

Мана шу оғир келган йил-да дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш тўғрисида алоҳида гамхў-лик қилинмоқда. Йирк са-ноат корхоналарининг мада-ний саройлари бу муҳим ишдан четда қолмадилар. Масалан, «Электротех-пром» ишлаб чиқариш бир-лашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати, «Уз-бекхиммаш» заводининг ма-даний саройлари Ўрта Чир-чиқ районининг қишлоқ меҳ-натчиларига ёрдам бермоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва Олмалиқ хи-мия заводи маданий сарой-ларининг бадий коллектив-лари Пискент районидa, Ўз-бекистон металлургия за-води ва Бекобод це-мент комбинати маданий саройларининг бадий кол-лективлари Бекобод район-ларида мунтазам равишда концертлар беришмоқда.

Биз маданий муассасала-ри ўртасидa қишлоқ меҳнат-кашларига энг яхши хизмат кўрсатиш учун мусобақа эт-лон қилдик. Ҳозирнинг ўзи-даёқ М. Горький номи, Ҳамза номи, Навоий номи, Мухомий номи театрла-рининг коллективлари бу мусо-бақага қўшилдилар. Улар Бекобод, Чиноз, Бўна, Ўрта Чирчиқ районларининг пах-такорлари билан икюнйи уч-рашулар ташкил этилди. Чехословкия ширининг артистлари эса Коммунистик райони меҳнаткашлари ҳузу-рида ўз санъатини намойиш этмоқдалар. Украина де-дасининг қатнашчилари ҳам пахтакорлар ҳузурида бў-лишди.

Бугунги кунда республи-када у ёни бу тарада терим мавсумига алоқадор бўлма-ган бирорта оилани топиш қийин. Ҳозир Тошкент, Жиз-зах ва Сирдарё областлари даладаридa Тошкент шаҳри ва областдаги бошқа шаҳар-ларнинг меҳнатнашларидан юз мингдан ортиқ киши иш-ламоқда. Студентларнинг жуда катта армияси бу хи-соба кирмайди. Ҳар бир ки-ши умумий ғалабамиз ўз меҳнатига боглиқ эканлиги-ни яхши англайди.

• Долзарб мавзудаги интервью

Инфекцияларга пишиқ-пукhta тўсиқ қўййлик

Биз ва куз кўпинча ичак касалликлари ҳамда заҳарланишларнинг кўпайиши билан боғлиқдир. Афсуски, бу йил ҳам бундан мустасно бўлмади. У ҳақ айтмагандек, меҳликлар ташвишига яна ташвиш қўшилди. Республикада илгари маълум бўлмаган вирусли гепатит кўзгатишчи аниқланди. Ҳозир республикада вужудга келган эпидемиологик вазият жиддий профилактик чора-тадбирлар кўришни, карантин хизматлари томонидан қатъий назорат ўрнатилиши талаб қилади. Юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш чора-тадбирларини кучайтириш, группа тартибда заҳарланиш оқоғлантқиш масалалари республика эпидемиология қарши курашиш Фавкулдада комиссияси мажлисида муҳокама қилинди. Унда вирусли, ичак касалликлари билан касалланиш, заҳарланиш муайян даражада кўпайётганлиги таъкидланди. Карантин зараркунадалари, касалликлар ва бегона ўтлар билан касалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш ҳолларига, заҳарли химикатлар, гербицидлар ва минерал ўғитларнинг нотўғри саклаш ҳолларига батамом барҳам берилган эмас.

Ичак касалликлари ва заҳарланиш профилактикаси юзасидан қўрилган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида, аниқ вируснинг пайдо бўлиш сабаблари ва унга қарши курашиш усуллари ҳақида Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, республиканинг беш давлат санитария ва ҳи. Ш. ШОҲАДЖОВ «Правда Востока» мухбири билан суҳбатда гапириб берди.

— Сирли вирус меҳликларни безовта қилаётми?

— Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам галати вирус. Гап шунданки, бизга «А» ва «В» вирусли гепатитлар маълум. Бироқ янги вирус на унисига, на бунисига ўхшайди. Шундай бўлса-да, мен уни сирли деб атамасдим. Уни ўрганилмаган, тўғрисида аса, ўрганилаётган вирус, деб атардим. Биз ҳозирдаёқ бу гепатит аксарият ҳолларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларга юқиниши биланми. Ҳомиладор аёллар аса бу касалликни оғир кечирадилар.

Ўрганилаётган «Ни «А», «В» касаллигининг тез тарқалиши билан характерланади. Қисқа муддат ичида бирдангина бир неча кишига юқиниш мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, бу инфекция жуда осонлик билан анча катта территорияга тарқалади.

— Янги гепатитдан оқоғлантқиш учун қандай чора-тадбирлар қўрилади?

— СССР Медицина Фанлари академияси Вирусология институти Ўзбекистон филиалининг олимлари мазкур вируснинг ўзини ўрганиш ва унга қарши кура

бу вирус жуда осонлик билан тарқалиши айтиб ўтган эдим. Республикадаги ҳозирги эпидемиологик вазият аҳолининг республикадан ташқарига уюштирилмаган ҳолда кучайётганлиги, кўпала миқдордаги одамларнинг бир жойга тулпаланганлиги билан ҳам жиддийлашмоқда. Чунки аниқ шундайларда инфекция манбаси бўлиш шуси касаллик билан оғирган кишилар бўлиши мумкин. Шу боис врачлар вақтинчалик кўчишлардан тийилиб туришни, кўпала кишиларнинг бир жойга йиғилишларини, кўп сонли йиғилишлар, кенгашлар ўтказишни тўхтатишни тавсия қилади.

Ҳа, ҳам умумий тартибдаги ҳам шахсий тартибдаги профилактик чора-тадбирлар касалланишларга, заҳарланишларга тўсиқ қўйиши мумкин. Янги вирус билан касалланиш республика камизининг турли районларида аниқланди. Аммо Қашқадар ва Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда бошқа жойларга нисбатан кўпроқ мавжудлиги маълум бўлди. Сув таъминотининг қонирқисиз йўлга қўйилганлиги, аҳоли пунктлари, умумий овқатланиш пунктлари санитария аҳолининг ёмонлиги, аҳоли санитария маданиятининг паст савияда эканлиги оқибатида шундай вазият вужудга келган.

Ҳозир республикада аҳолига қўйлаб миқдорда полиз, сабзавот маҳсулотлари, мева, картошка сотилмоқда. Бу соҳада эпидемиология қарши курашиш фавкулдада комиссиясининг қарорини сўзсиз бажариш зарур. Яъни, карантин текширувдан ўтмаган биронга ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотилишига даркор. Ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекциялари, агрохимлабораториялар, бозорлардаги лабораторияларнинг ҳаммаси доимо хушёр туриши, ниҳоятда талабчанлик қили

ши зарур. Чунки, одамларнинг сийҳат-саломатлиги ана шу хизматларнинг таъсирчан, амалий назоратига боғлиқдир. Яширишнинг ҳолати йўқ, агрохимлабораториялар ҳам, далададаги ва бозорлардаги лабораториялар ҳам кўпинча ўз бурчларига расмийчилик билан қарайдилар. Бунга умуман, ҳозир аса, айнақса, асло йўл қўйиб бўлмайди.

Шу билан бирга шаҳарларимиз ва посёлкаларимизнинг серкатиш кўчаларида ҳар хил бозорчалар пайдо бўлиб қолаётганлигини кўриш мумкин. Бу ерларда одамлар кўпинча тупроқ устига ўтириб оладиларда полиз ва сабзавот маҳсулотларини, ҳўл мева, янги уриб сотади. Бу хусусий шахсларнинг маҳсулотлари ҳеч қим томонидан текширилмайди. Оқибатда турли касалликларга чалинган бу маҳсулотлар катта зарар келтиради, касалликларга, заҳарланишга олиб келади.

Афсуски, кейинги вақтларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини республика ташқарисига олиб чиқишда санитария нормаларини бузиш ҳоллари рўй берди. Бу инфекция тарқалиши келтириб чиқариши ҳамда эпидемия вазиятини янада мураккаблаштириши мумкин. Карантин зараркунадалари билан касалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб чиқишни маъ этиш, тегишли назоратдан ўтган, бу ҳақда хужжатлари бўлган сабзавот ва полиз маҳсулотларини, ҳўл мева, янги олиб чиқишга рухсат бериш керак.

Қуйида аниқ бир нарсани айтиб бери қаратмоқчиман. У бачи йўловчиларда нозорилик туғдириши мумкин. Бироқ Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, республика Автомото йўл транспорт министригининг санитария хизматлари ҳозир вокзалларда, билет каскалари ёнида, самолётларда, поездларда ва автомобиль йўлларида на

зоратни кучайтирганиликларини айтиб ўттиши ўз бурчим деб ҳисоблайман. Шифокорлар санитария нормалари бузилганлигини аниқлашлар, улар энг қатъий тадбирларни, йўловчиларнинг рейсдан олиб қолишгача бўлган чорани кўрадилар. Табиийки, бу энг сўнгги чорадир. Бироқ кўпала одамларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги тўғрисида гап кетар экан, ана шу чорани кўришга мажбур бўлинади.

— Кейинги пайтларда кўпала одамларнинг группалар тарзида заҳарланиш ҳоллари қайд этилди. Бунга сабаб нима?

— Сув таъминотининг ёмонлиги тўғрисидаги гапимни қайтаришга мажбурман. Яқинда Навоий областидаги «Напай» совхозининг 21-ўрта мактаб болалари заҳарланганлиги қайд этилди. Болалар очқ сув манбаидан ичганлар ва бу уларнинг заҳарланишига олиб келган. Бунга катталарнинг жинийоткорона бепарволиги сабабдир. Улар мактабдан сал нарига, тўғридан-тўғри очқ жойга бир неча тонна аммиак селитрасини ва аммофосини туширганлар. Ёмгир ўтгани ювиб сувга туширган. Қишлоқ хўжалик ишларида кенг фойдаланиладиган заҳарли химикатлар, гербицидлар, минерал ўғитларни ишлашда қанда тез-тез бузилмоқда. Санитария врачлари ана шу препаратлар колхоз ва совхозларда нотўғри сақланаётганлигини, булар очқ жойларда, одамлар бемалол кириб-чиқадиган ерларда, тез-тез тақрибланганлигини бир неча марта қайд этдилар. Бу майда-чўйда қарам эмас. Мансабдор шахслар бундай ҳаётсизлик одамларнинг группалар тарзида заҳарланишига олиб келиши мумкинлигини тушуниб олишлари зарур.

Биз, шифокорлар, соғлиқни муҳофаза қилиш ҳақида гапмўрнинг — умумий иш деб, тез-тез тақриблаймиз. Бу шунчаки сўзлар эмас. Юқумли касалликларга, заҳарланишларга, вирусларнинг тарқалишига фақат бир ёқадан бош чиқариб қаранат қилгандагина тўсиқ қўйиш мумкин.

Судхатин «Правда Востока» мухбири О. ЕҲУВОВ олиб борди.

• Спорт

Оралиқ маррадан ўтилди

Тошкентда халқаро шашка бўйича аёллар ўртасида ўтказилган Бутуниттифок турнири иштирокчилари оралиқ маррадан ўттиди. Сақизинчи тур ўйинларидан кейин киевлик Нина Яковская 5,5 та очко билан пешқадамлик қилмоқда. Ленинградлик Е. Мартынова, москвалик Е. Читайкина, ригалик З. Увачан пешқадамдан ярим очкога орқанда боришмоқда. Беш шашкача 4 тадан очко тўплаган. Улар орасида чирчиқлик мастерликка номзод Гавхар Норбекова ҳам бор. Шашкачилик мастерлик нормативини бажаришга ҳаракат қилмоқда. Унинг ҳаммаҳори Фанна Будаева 2,5 очко тўплади.

Чим хоккей: Даввогарлар сафида

Эркеклар олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионати тугай деб қолди. Коллективлар яна икки мартадан майдонга тушган голиблар аниқланди. Навбатдаги учрашувда Андижоннинг «Звезда» хоккейчилари Ленинскнинг «Старт» коллективини қабул

• Ранг - баранг олам

ВАГОН УЧУН ИККИНЧИ ҚАВАТ

Қаттиқ гудок чалиб, Пушань вагон қурилиши заводи (Хуэй) вилотиининг кенг дарвозасидан биринчи ҳозирча экспериментал рейс билан одатдан ташқар пассажир поезди йўлга чиқди. Унинг таркибидан вагонлар олдиданги ярмига кам бўлса-да, бироқ ўринжол сон етарли эди. Чунки поезд вагонлари икки қаватлидир. 25 метрли салонда икки қатор қилиб қўйилган креслолар 186 ўринни ташкил этади. Бу одатдаги вагонлардаги ўриндиқлардан 80 процент кўпроқ. Хитойлик конструкторлар вагонлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига унинг олдиданги размерини сайлаб қолгандилар. «Икки қаватли» пассажир поезди келгуси йилдан илк бор Хитойнинг Янрик шаҳарлари Шанхайдан Нанкин билан боғловчи йўлда қатнай бошлайди.

ШАШКА: қилиб (3:2), жами очколарини 29 тага етказдилар. Соғирли ўринлардан биринчи даввогарлик қилётган андижонликлар ҳозирча учинчи ўринни эгаллаб туришди. «Химки» (Фаргона) — «Спартак» (Самарқанд) коллективлари учрашувда 2:0 ҳисоби қайд этилди.

ХОККЕЙ: Мавсум бошида

«Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари бу йил иккинчи лиганинг учинчи зонасига кирувчи коллективлар билан мусобақалашдилар. Жумладан, «Бинокор» билан Свердловскнинг «Луч», Магнитогорскнинг «Металлург», Орскнинг «Октябрь Урал», Нижний Тагилнинг «Спутник», Омскнинг «Авангард», Тюменнинг «Рубин», Тимирязевнинг «Строитель» коллективлари билан бахслашадилар. Фахрли ўринларни эгаллаган коллективлар биринчи лигада омади юришмаган 4 команда билан ўтиш турнирида иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Бинокорчилар мавсум бошидаги учрашувларни ўз майдонларида ўтказиб, бешта очко тўпладилар. Учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Бинокор» — «Луч» — 3:2, 3:3, «Бинокор» — «Спутник» — 5:2, 1:2.

КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиниш муддати — 4,5 ой. Ўқиниш йиллаб чиқаришдан ажралган ҳолда рус тилида олиб борилади.

Ойига 75 сўм стипендия тўланади.

КУРСЛАРГА 18 ЁШДАН ОШАН ҚИЗЛАР ВА СОВЕТ АРМИЯСИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТАН ЯНИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Елғазларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 96-алоқа бўлими, Ғ. Ғулом кўчаси. Телефонлар: 78-05-15, 78-05-17.

«УЗСТРОЙТЕПЛИЦА» трестининг 125-КҲЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИГА

бош механик, катта иш юритувчилар (катта прораблар), иш юритувчилар (прораблар), ишлаб чиқариш бўлими бошлигининг ўринбосари, меҳнат ва иш ҳақи бўйича катта инженер, секретарь-машинистка, экскаваторчилар, қурилиш касбидagi ишчилар

РЕДАКТОР Л. ҚАЮМОВ.

КЕРАК

Бизнинг адрес: Қўйлик посёлкаси, Транспортная кўча (метронинг) — «В. И. Ленин номи майдон» станциясидан 155-маршрут таксиси, Қўйликдан 177-автобус билан «Поликлника» бекатига бориш мумкин. Телефонлар: 90-32-39, 90-32-45.

Театр

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/х да Отелло, 13/х да Кутлуг қон, 14/х да Келинлар кўзгоғи.

МУСКИМ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/х да Шайтон ва мурдилар, 12/х да Хотинининг эри, 14/х да Узилган торлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/х да Эльфалин меҳмон, 14/х да Чернобил алангаси.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Чехослованиянинг «ПРАГА» цирки артистларининг томошалари (11/х да 12, 15, 18.00 да).

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги коллегияси, аппарати, партия ва насабо союзи ташкилотлари министр ўринбосари Т. Ш. Аҳмедовга отаси

Шоҳаммад АХМЕДОВНИНГ

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Советский Узбекистан» Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Издается на узбекском языке

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕДАКЦИЯ АДРЕС: 700083, Г.С.П. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Индекс 64583.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Т В ХАФТАЛИК ПРОГРАММА Т В

12 октябрь, душанба

11.10 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Қайта куриш проектор. 16.50 — Хужжатли фильмлар. 17.30 — Кунон стартлар. 18.15 — ГФР телевидениесининг программаси. 19.10 — Шерият лаҳзалари. 19.15 — Дунё нокалари. 19.30 — Бир-биримиздан ўрганидиган нарсаларимиз кўп. 20.00 — Халқ куйлари. 20.30 — «Амстердамлик хоним». Вадий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта куриш проектор. 22.10 — Ленинград — Майиц (ГФР) телекўприги. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Шахмат. Жаҳон чемпионати.

MT-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Хужжатли фильм. 9.35 — Жамиятшунослик. 10.05 — Сутуқувчиларга. 12.15 — Умумий биология. 12.45 — АВВГДейна. 13.15 — «Бош ура шаҳар». Вадий фильм. 13.50 — 1-серия. 14.30 — Немис тили. 15.00 — Янгиликлар. 15.10 — Қишлоқ янгиликлар. 15.35 — Янгиликлар. 15.45 — Мультифильм. 19.05 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 19.55 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.00 — Хамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.30 — Хайрли тун, кичикитойлар! 20.45 — Хужжатли фильм. 20.55 — Илмий фантастика ва инсониятнинг келажиги. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта куриш проектор. 22.15 — Хоккей. АСК — «Спартак». 23.45 — Янгиликлар.

УЗТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.20 — Тонгги тароналар. 7.30 — Ахборот. 7.50 — Салом, кичикитойлар! 8.00 — Ота-оналарга болалар ҳақида. 8.10 — Илҳом. 17.30 — Рус адабиёти. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультифильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Дала, ҳовли юмушлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Министрлар ва идораларда экономика бошқарушида қайта қуришнинг бориши ҳақида. 20.00 — «Шарк юлдузи» журнали саҳифаларида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Кўнжа соҳалар. 21.20 — Долзарб вази. 21.30 — Время. 22.05 — «Оловли йўллар». Вадий фильм. 9-серия. 23.20 — Халқаро ахвол кундалиги.

УЗТВ-II. 9.30 — Концерт. 20.10 — Ритмик гимнастика. 20.30 — «Турна патн». Спекаль. 21.30 — Время. Душанба. 22.05 — «Вулбулар хоним». Телеспектакль. 23.05 — Хужжатли фильм.

MT-I. 8.00 — «90 минут». 9.35 — «Мен уни келишимни истейман». Вадий фильм. 10.35 — Дунё ва ёшлар. 11.10 ва 16.10 — Янгиликлар. 16.20 — Қайта куриш проектор. 16.30 — «Серёжа». Вадий фильм. 17.45 — Голибдор. 19.05 — Дунё воқеалари. 19.20 — Улуғ Октябрь 70 йиллиги. 21.30 — Қайта куриш проектор. 21.30 — Время. 22.00 — «Детство ўғини». Телеспектакль. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Тун

16 октябрь, жума

MT-I. 8.00 — «90 минут». 9.35 — «Мен уни келишимни истейман». Вадий фильм. 10.35 — Дунё ва ёшлар. 11.10 ва 16.10 — Янгиликлар. 16.20 — Қайта куриш проектор. 16.30 — «Серёжа». Вадий фильм. 17.45 — Голибдор. 19.05 — Дунё воқеалари. 19.20 — Улуғ Октябрь 70 йиллиги. 21.30 — Қайта куриш проектор. 21.30 — Время. 22.00 — «Детство ўғини». Телеспектакль. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Тун

17 октябрь, шанба

MT-I. 8.00 — «90 минут». 9.30 — Нега ва нима учун? 10.00 — Хужжатли фильм. 10.45 — Хамма учун ва ҳар бир киши учун. 11.15 — М. Патиниций атаканда ашула байрам. 12.00 — Мўнжасаз мўнжасазлар. 13.00 — Биологич ва фортепиано учун 3-соната. 13.25 — Хамдустлик. 14.00 — Аслини олганда. 15.30 — Константин Ваншеннин асарлари. 16.30 — Камалак. 17.00 — «Музофот». Вадий фильм. 18.40 — Катталар учун мулътфильмлар. 19.05 — «Иңдилоб аниқ килган». Вадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта куриш проектор. 22.15 — Музикали ринг. 23.30 — Ярим тунгача на ярим тундан сўнг. 01.00 — Шахмат. Жаҳон чемпионати.

18 октябрь, якшанба

MT-I. 8.00 — «90 минут». 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.15 — Спортлол. 10.30 — Будилик. 11.00 — Совет Иттифонига хизмат қилмади! 12.00 — Тонгги, почта. 12.30 — Киновидио. 13.15 — Музикали кинос. 14.80 — Қишлоқ анги

13 октябрь, сешанба

14 октябрь, чоршанба

15 октябрь, пайшанба